


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ
ТАРИХШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК
КАФЕДРАСИ

“ТАРИХШУНОСЛИК-МАНБАШУНОСЛИКНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ”

Республика илмий-амалий конференцияси
материаллари



5. Фрейман А.А. Описание, публикации и исследование Муг / А.А.Фрейман // Согдийские документы с горы Муг.- М.: Восточная литература, 1962.- Вып.1, -С.46-47.

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ ТАРИХИННИГ ТАРИХШУНОСЛИГИ: ЕЧИМ ВА МУАЛММОЛАР

Рахмонов Камол Жамолович
Тарих фанлари номзоди
БухДУ Тарих кафедраси

Тарихий тадқикотлар тизимида матбуотнинг манбавий аҳамияти ва матбуот органлари шаклланиши билан боғлик масалалар ҳам ўзига хос ўрин тутади. Кўп пайтлар матбуот манбавий роль ўйнаши билан боғлик жиҳат илмий мунозараларга сабаб бўлиб келди. Бутунги кунда матбуотнинг манба бўла олиши назарий-методологик асослари ишлаб чиқилган. Матбуот, журналистика тарихига оид 1920 йиллардан бўён кўплаб макола ва асарлар яратилди.

Аввало, матбуот тарихини ўрганишда таникли публицист Зиё Сайд (Соли Косимов) томонидан чоп эттирилган асарлар муайян касб этади. Унинг “Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар” номли китоби [1]. Туркистон минтақасида салкам 60 йил (1870-1927 йиллар) давомида нашр этилган даврий матбуотнинг ўзига хос библиографияси хисобланади. Китобда муаллиф Туркистон матбуотчилигига асос солиниши, минтақада маҳаллий ва Европа тилларида чоп этилган ўнлаб журнал ва газеталар тарихи ҳакида тизимли асосда фикр-мулоҳазалар билдирган. Жумладан, “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари ҳакида Зиё Сайдов китобида илк бор маълумотлар келтирилганлиги эътиборга лойик. Бироқ муаллифнинг ушбу газеталар нашри билан боғлик йил ва уларда муҳаррирлик килган шахслар тўғрисидаги маълумотларида катор ноаникликлар учрайди. Шунга қарамай ушбу газеталарнинг фаолият юритганлиги билан боғлик далил ва рақамлар ўкувчидаги кизикиш уйғотади.

Бевосита матбуот тарихига даҳлдор бўлган тадқикотлардан С. И. Иноятов, Т.Эрназаров ва А.Акбаровларнинг бу йўналишдаги ишларини кўрсатиш лозим[2] С.И.Иноятовнинг номзодлик диссертацияси даврий матбуотда кишлоқ ҳўжалигини жамоалаштириш масалаларининг ёритилиши муаммосига бағишлиланган. Мазкур муаллифнинг монографиясида эса матбуотнинг ижтимоий хаётдаги ўрни ва роли янада кенгрок очиб берилган. Бу тадқикотларда тарихчи олим ҳар қандай тарихий даврни атрофлича ўрганишда матбуот материаллари манба бўла олишига эътибор каратган. Бироқ олимнинг тадқикоти коммунистик мафкура ва синфиийлик назарияси асосида яратилган. Т.Эрназаров ва А.Акбаровларнинг фикрича, Бухорода амирлик тузуми ағдарилган биринчи кунларданоқ (1920 йил сентябр-К.Р.) Бухоро коммунистик партияси марказий комитети органи “Бухоро ахбори” газетаси чика бошлаган, газета ўзбек тилида 2500 нусхада, 2 сахифада, айрим

холларда 4 саҳифада нашр килинган [3]. Ушбу асарда ҳам коммунистик мафкура томонлари сезилиб турди, унда XX аср бошларида чоп этилган миллий тилдаги матбуот органларига холисона баҳо берилмаган, аксинча, большевиклар матбуотининг роли эса бўрттириб кўрсатилган.

Мустакилликнинг дастлабки йилларида XX асрнинг 20-30-йиллари даврий матбуоти ҳакида тадқикотлар ёзиш анъанаси давом эттирилди. Совет жамиятида кечган ижтимоий-иктисодий, сиёсий, диний-маданий ўзгаришларни матбуот материаллари орқали очиб беришга эътибор В.Муҳаммаджонованинг номзодлик ишида айнан бағишлиланган [4]. Шунингдек, XX аср биринчи чорагида Туркистон минтақасидаги матбаачилик, миллий матбуотнинг ўрни ва роли, демократик ислоҳотларни амалга оширишда матбуотнинг аҳамияти масалалари ҳам бир қатор илмий асарларнинг мавзуси бўлди. Журналистика тарихи билан шуғулланувчи олимлар: Н.Абдуазизова[5] ва Б.Дўстқораев[6] кабиларнинг китоб ва дарслклари ўзбек матбуотчилиги ва журналистикаси тарихини тадқиқ қилишдаги илк қадамлар бўлди. Тарихчи олим А.Мингноровнинг номзодлик диссертацияси ва рисоласида[7] миллий матбуот материаллари асосида Туркистонда 1917-1918 йиллар давомида фаолият юритган миллий ташкилотлар тарихи очиб берилган.

Тарихчи оима С.Шодмонованинг докторлик диссертацияси ва монографияси[8] ҳам матбуотнинг манбавий аҳамиятини кўрсатишга қаратилган. Тадқиқотчи 1870-1917 йил февралигача чоп этилган ўзбек ва рус тилидаги даврий матбуот материаллари асосида Туркистон минтақасида кечган ижтимоий-иктисодий ва маданий жараёнларни илмий таҳлил килган. Ёш изланувчи М.Орзивенинг бир қатор илмий мақола ва тезислари[9] “Бухорои Шариф” ва “Турон” газеталарининг манбавий аҳамиятига йўналтирилганлиги ҳам эътиборга лойиқdir.

Холоса ўрнида таъкидлаш ўринли бўлардики, Ўзбекистон матбуоти тарихига оид тадқиқотлар бугунги кунда озлиги сезилади. Тарихчи оимлар олдида бу масалада тарихий тадқиқотлар яратишда долзарб вазифалар турди.

1. Туркистон минтақасидаги мураккаб ва зиддиятларга тўла XIX аср охири-XX аср дастлабки йиллари тарихини ўрганишда даврий матбуот роли етарли ёзилмаган.

2. Матбуотчилик ва нашриёт ишлари фаолият уйгунигини акс эттирадиган асарларга эҳтиёж катта.

3. Матбуот органлари фаолиятини акс эттирадиган каталоглар яратишни ҳам талаб даражасида эмас.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Зиё Сайд. Ўзбек вактли матбуоти тарихига материаллар (1870-1927). – Тошкент-Самарқанд: Ўздавнашр, 1927. -180 б. (Қайта нашри: Зиё Сайд.

Танланган асарлар. -Т.:Faфур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974).

2. Иноятов С. Роль партийно-советской печати Узбекистана в осуществлении коллективизации сельского хозяйства (1929-1934 гг.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Ташкент, 1969; Ўша муаллиф. Роль печати в интернациональном воспитании трудящихся. - Ташкент: Фан, 1986; Эрназаров Т., Акбаров А. История печати Туркестана. - Ташкент: Ўқитувчи, 1976.
3. Эрназаров Т., Акбаров А. История печати Туркестана. - Ташкент: Ўқитувчи, 1976.
4. Мухаммеджанова В. Периодическая печать 20-30-х годов о раскрепощении женщины Узбекистана: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Самарканд, 1994.
5. Абдуазизова Н. Ўзбекистон журналистикаси тарихи (1870-2000) - Тошкент: Академия, 1999; Ўша муаллиф. Миллый журналистика тарихи (Генезис ва эволюция). Биринчи жилд. -Тошкент: Шарқ, 2008.
6. Дўсткораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. (1870-1917 йил ноябрь). Дарслик. - Тошкент: Faфур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.
7. ¹ Мингноров А. Вопросы национально-освободительного движения в национальной периодике (февраль 1917-середина 1918 г.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Тошкент, 2001; Ўша муаллиф. Туркистанда 1917-1918 йиллардаги миллый сиёсий ташкилотлар (Миллый матбуот материаллари асосида). - Тошкент: Маънавият, 2002.
8. Шадманова С. Вопросы социально-экономического и культурного положения Туркестана на страницах периодической печати (1870-1917 гг.) Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. - Ташкент, 2011; Шодмонова С. Туркистан тарихи-матбуот кўзгусида (1870-1917 йиллар). -Т.: Yangi nashr, 2011.
9. Орзиев М. XX аср бошларида Бухорода хорижда чоп этилган матбуот тарғиботи // "Тарихий хотира - маънавият асоси" мавзусидаги илмий-назарий анжумани материаллари. -Бухоро, 2010. -Б. 87-88.; Ўша муаллиф. "Бухоро шариф" ва "Турон" газеталари - тадқиқотчилар нигоҳида // "XIX аср охири - XX аср бошларида Бухоро" мавзусида республика илмий-назарий анжумани материаллари. -Бухоро, 2010. -Б. 22-24.; Ўша муаллиф. XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги иқтисодий аҳвол хусусида ("Бухоро шариф" газетаси материаллари асосида) // "Тарихий хотира - маънавият асоси" мавзусидаги илмий-назарий анжумани материаллари. -Бухоро, 2011. -Б. 52-54.

I. ШҮЙБА
“ТАРИХШУНОСЛИК-МАНБАШУНОСЛИКНИНГ НАЗАРИЙ-
УСЛУБИЙ УСУЛЛАРИ”

1. Аванесова Н.А., Каспаров А.Р. – “Историография культуры Заманбаба: генезис, хронологическая атрибуция”.....	5
2. Абрисев С.Б. – “Тарихшунослик ва манбашуносликда Темур ва Темурийлар тарихининг ўрганишиши.”.....	10
3. Германов В. - “Слав военной ориентальной историографии и источниковедения в Туркестане и Узбекистане”.....	12
4. Давлатов Н. – “Миръот ил-мамолик» асари ва унда Наврӯз Аҳмадхон сиёсий фаолиятининг ёритилиши”.....	16
5. Мухамедов Ш.Б.- “Некоторые вопросы мусульманского землепользования в Туркестане и их изучение краевой администрацией Российской империи.(На основе материалов ЦГА РУз).”.....	20.
6. Мавлянов М. – “Раннесредневековый согдийский календарь: источники изучения и особенности”.....	24
7. Раҳмонов К. – “Ўзбекистон матбуоти тарихининг тарихшунослиги: ечим ва муаммолар”.....	28
8. Равшанов Ш.Т. – “Ўзбекистон этнологияси тарихшунослиги ва тадқиқот масалалари”.....	31
9. Тўракулов Б.Т. – “Тарихий танқиднинг шаклланишида немис тарихшунослигининг ўрни”.....	34
10. Ҳоликулов Р.Ш., Бодиров А.Ж –“XX асрнинг 20-30 йилларида Самарқандда халқ таълими ва шаҳарда миллий мактабларнинг ташкил этилиши”.....	38
11. Шаякубов Ш. Ш. – “Афросиёб ёзувларининг талқинига доир янгича қарашлар”.....	41
12. Якубов А.С. – “XX аср 20- 30 йилларида Олий ва Ўрта маҳсус таълим: шаклланиши ва тараққиёт муаммолари”.....	46
13. Фойибов Б.С. – “Сүгд тарихини ўрганишида бактрий манбаларнинг аҳамияти”.....	51
14. Ҳайитов Ш.А. Сайдова Р.И. – “Совет даври адабиётларида ўзбек мұхожирилиги тарихининг талқини”.....	55